

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17
IV	Ишлаб чиқариш амалиёти	209	3,2	144		144				65						
	Диплом олди амалиёти	313	4,8	216		216				97						
	Диплом дойиҳаси ишини бажариш	418	6,5	288		288				130						
	Давлат аттестацияси	104	1,6	72						32						
	Таълим муассасаси ихтиёридаги соат	116	1,8	80						36						
	Хафталик юклама:										36	37	37	37	37	36
	Жами:	6480	100	4470	949	3215	58	96		2010	36	37	37	37	37	36

III. ТУШУНТИРИШ ХАТИ

1. Машғулотлар 2 сентябрдан бошланиб, июнь ойининг охирида тугайди.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 8 майдаги 124-сонли қарорига асосан рус (Ўзбек) тили ва хорижий тил фанлари, информатика ва ахборот технологиялари фанининг амалий машғулотлари ҳамда жисмоний тарбия фанидан (ҳар бир гуруҳда камида 15 нафар йигит ва киз булганда) дарслар иккита кичик гуруҳларга бўлиб ўқитилади.
3. Кичик гуруҳларда шакллантирилган касблар бўйича умумтаълим фанлари, Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги, Тадбиркорлик ва бизнес асослари фанларидан ўқув машғулотлари гуруҳларни бирлаштирилган ҳолда ташкил этилади.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 27 майдаги Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора тadbирлари тўғрисидаги 271-сонли қарорига асосан ўқув режасидаги жисмоний тарбия фани коллеждан ташқари соатлар ҳисобидан ҳар бир семестрда ҳафтасига 4 соат ўқитилади, яъни ўқув режасида ҳафтасига 1 соат берилган бўлса яна 3 соатдан, агар 2 соат берилган бўлса яна 2 соатдан қўшилади.
5. Ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётларини ўтказиш даври, ҳафталар сони ва ўтиш кетма-кетликларини ҳар бир таълим муассасасининг ўзи шартлардан келиб чиққан ҳолда ҳамда йўналишнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, Педагогик кенгаш қарори билан белгилаши мумкин.
6. Ҳар бир таълим муассасаси мазкур намунавий ўқув режа асосида ишчи ўқув режасини ишлаб чиқади ва зарур ҳолларда ўқув юкласининг ҳафталик ҳажмини сақлаган ҳолда Педагогик кенгаш қарорига асосан ўқув фанлари блоки ҳажмини 5% гача, блоklar таркибидаги фанларга ажратилган соатлар ҳажмини эса 10% гача узгартириши мумкин.
7. Иккинчи семестр охирида 6 ҳафталик ихтисослик бўйича ўқув амалиёти (плeнер), 4-семестрда 4 ҳафталик ўқув ишлаб чиқариш амалиёти ҳамда 6-семестрда 6 ҳафталик диплом олди амалиётлари ўтказилади, ушбу амалиётлар коллеж ихтисослигига мос келган корхона ва ташкилот устaxonаларида ўтиш мўлжалланади, диплом ишини бажариш учун 10 ҳафта вақт ажратилади ва шундан 1 ҳафта давлат аттестацияси ҳамда 1 ҳафта диплом ҳимоясига берилади.
8. Таълим муассасаси ихтиёридаги соатлар таълим муассасасининг Педагогик кенгаши қарорига асосан махсус курсларни ўқитишга ажратилади.
9. Махоратни оширишга доир белгиланган вазифаларга қўра асосий мутахассислик фанлари бўйича охириги кўрик баҳолари асосий якуний баҳо деб ҳисобланади.
10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 8 майдаги 124-сонли қарорига асосан махсус мутахассислик фанлари - Тасвирий ва мeъморлик санъат тарихи фанининг амалий машғулотлари 15 нафар, Чизмагеометрия, соялар назарияси, перспектива, Пластик анатомия, Чизматасвир, Рангтасвир, Компьютер графикаси, Композиция, Хаттотлик, Лақли миннaтюра дурадгорлиги, Устaxonада ишлаш ва ашeшунослик ва рангшунослик, Китобот санъати фанлари ҳамда амалиётлар 8-10 нафардан ташкил топган кичик гуруҳларда олиб бoрилади. Бунда тегишли харажатларни молиялаштириш давлат бюджетида ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари харажатлари учун қўзда тутилган маблағлар доирасида амалга оширилади.
11. Тайёрлов йўналишлари хусусиятларидан келиб чиқиб, қуйидагилар тегишли тармок вазирлик ва идоралари томонидан молия органлари билан келишилган ҳолда амалга оширилади:
 - 11.1. Ўзбекистон архитектура ёдгорликларини, тасвирий ва амалий санъатини ўрганиш ҳамда амалиётлар даврида ҳар бир гуруҳга ўқитувчи бириктирилиб, сафар харажатларига маблағ ажратилади ва тарификацияга киритилади.
 - 11.2. Композиция фани гуруҳ ўқувчилари сонига қараб, ҳар бир ўқувчига ҳафтасига бир соатдан яқка тартибда дарс утилади ва тарификацияга киритилади.
 - 11.3. Ўқувчиларни олган билимларини мустаҳкамлаш ва касб махоратини ошириш мақсадида барча касбий таълим (умумкасбий ва махсус) фанларига натура учун тегишли тариф асосида ҳақ туланади ва натура соатлари қуйидагича тақсимланади:

Курс	Чизматасвир	Рангтасвир	Композиция	ЎА (плeнер), ИЧА, ДОА	Пластик анатомия	Диплом иши
1	25%	25%	25%			
2	50%	50%	50%	50%	50%	
3	100%	100%	100%	50%		100%

Ўқув жараёни таркибий қисмлари	Ҳафталар сони	Семестр	Соатлар миқдори	Давлат аттестацияси
Назарий ва амалий машғулотлар	94	1-6	3454	1. Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар 2. Касб ихтисосликлари бўйича амалий имтиҳон 3. Ўқув юкласи малакавий (диплом) иши
Ўқув амалиёти	6	2	216	
Ишлаб чиқариш амалиёти	4	4	144	
Диплом олди амалиёти	6	6	216	
Диплом иши (лойиҳаси)	8	6	288	
Давлат аттестацияси	2	6	72	
Таътиллар	24			
Таълим муассасаси ихтиёридаги соат		1-6	80	
Жами:	144		4470	

- Тузувчилар:** Республика рассомлик коллежи директори У. Ҳақимов
Республика рассомлик коллежи директорининг ўқув ишлар бўйича ўринбосари Н. Ражабов
- Келишилган:** Ўрта махсус касб-хунар таълими маркази директорининг уринбосари З. Худойбердиев
Давлат таълим стандартларини такомиллаштириш ва таълим йўналишларини бирхиллаштириш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Р. Рустамов
Давлат таълим стандартларини такомиллаштириш ва таълим йўналишларини бирхиллаштириш бошқармаси бош мутахассиси Б. Шойкулов
Ўзбекистон Бадий Академияси Бош илмий котиби А. Мадраимов
Ўзбекистон Бадий Академияси Таълим, методика ва ижодкор ёшлар билан ишлаш бошқармаси бошлиғи А. Порсаев
- Тақризчилар:** К. Бeҳзод номли миллий рассомлик ва дизайн институти ректори Х. Аминов
Ўзбекистон Бадий Академияси академиги С. Абдуллаев